
ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН! ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ!

Ўзбекистон тумани Яккатут МФЙ ҳудудида жойлашган бўш турган бино-иншоотлар негизида Давлат хусусий-шериклик шартлари асосида Нодавлат тибиёт муассасаси ташкил этиш учун тендер ўтказилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги **“Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-4290-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг **“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”**ги 537-сонли қонуни ҳамда Соғлиқни сақлашда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган комплекс чора-тадбирлар натижасида тибиёт муассасалари сонини янада кўпайтириш ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Хусусий соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш, ушбу соҳада давлат-хусусий шерикликнинг хуқуқий асосларини яратиш, инвестицияларни, айниқса, чет эл инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, аҳолининг юқори технологик тиббий хизматлар ва ускуналардан фойдаланиш имкониятларини оширишда нодавлат сектори иштирокини рағбатлантириш мақсадида:

Яккатут МФЙ ҳудудида аҳоли эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда тибиёт муассасаларини сонини сезиларли даражада ошириб бориш, фойдаланилмаётган бўш турган бино-иншоотлар ва унга тегишли ер майдонлари негизида Соғлиқни сақлаш йўналишида хусусий ҳамда давлат-хусусий шерикчилиги шартлари асосида тиббий муассаса ташкил қилиш, тадбиркорлик субъектларига берилишида шаффофлик ва тенгликни таъминлаш мақсадида очиқ танлов эълон қилинади.

- Лойиҳа лойлашган манзил:** Яккатут МФЙ, Обод кўчаси ЗА
- Умумий ер майдони:** **3064,00** кв.метр
- Бино-иншоотлар майдони:** **1009,62** кв.метр
- Тупроқли майдон:** **2054,38** кв.метр

Тендер **2022 йил 11 июл куни** ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларидан намунали лойиҳа таклифлари ҳамда лойиҳанинг молиявий-иқтисодий шартларини ишлаб чиқиб, **01.07.2022 йил Ўзбекистон туман ҳокимлиги инвестициялар ва ташқи савдо бўлимига** киритишингизни сўраймиз.

Маълумот учун телефон: 73-539-21-21

2022-06-10 09:06:10